

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

“1-ҲУҚУҚ” ФАКУЛЬТЕТИ

“Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси

ТАСДИҚЛАНГАН
“Давлат ва ҳуқуқ назарияси”
кафедрасининг 2010 йил 28 августдаги
1-сонли мажлис баённомаси
кафедра мудири _____ доц.М.К.Нажимов

“МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ”
ФАНИНИНГ
“Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси
фанининг предмети ва методлари” мавзуси юзасидан
тайёрланган
МАЪРУЗА МАТНИ

(Магистратура талабалари учун)

Тошкент -2010-2011 ў/й.

**1-мавзу. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси фанининг
предмети ва методлари**

РЕЖА:

1) Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси фани предметининг ўзига хос хусусиятлари. Мазкур фанга хос жиҳатлар ва муаммолар.

2) Юридик таълимда интерактив методларнинг мақсад ва вазифалари. Қадриятлар. Ўзаро фаол усуллар юридик таълимнинг таркибий қисми сифатида.

3) Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси фанининг ҳуқуқшунослик ва бошқа ижтимоий фанлар билан алоқаси.

4) Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси фанининг методлари.

5) Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарларини Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини, хусусан юридик таълим тизимини ривожлантиришдаги аҳамияти.

1. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси фани предметининг ўзига хос хусусиятлари. Мазкур фанга хос жиҳатлар ва муаммолар.

«Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси» фанининг предмети олий таълимнинг икки босқичли тизимида ўтилиши муносабати билан Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури билан белгиланган давлат стандартларига мувофиқ магистратура ўқув режасига киритилган. Юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш масаласи таълим муассасаси олдига аксарият магистрларнинг келгусида олий мактаб тизимида ва илмий соҳаларда фаолият юритишларини назарда тутган ҳолда тингловчиларни ҳозирги замон педагогик технологияларига, юридик фанларни ўқитишнинг илғор методикасига ва кўникмаларига ўргатиш заруриятини келтириб чиқаради.

Мазкур фан предметининг мақсади бўлиб ўқув жараёнида таълим жараёни субъектларининг шахсий тажрибаси ва фаоллигига асосланган ҳолда ҳуқуқий фанларни қизиқарли ва самарали ўқитиш тажрибасини янада бойитиш ҳисобланади. Ушбу ўқув курси ўзаро ўқитиш ва амалиёт орқали ўқитишга алоҳида эътибор берган ҳолда фаол ўқитиш методикасини ишлаб чиқади ва тавсия қилади. Бутун ўқув дастурини бажариш жараёнида мазкур методларнинг қўлланилиши тингловчиларга бир-бирлари билан ўзларининг ҳуқуқни ўқитиш тажрибаларини ўзаро ўртоқлашишга, улар тўғрисида мулоҳазалар юритишга ҳамда мақбул кўникма ва усулларни амалиётга тадбиқ этишга имкон беради. Назарий ўқув материални ҳам тингловчиларни фаол ўқитиш жараёнида уларнинг билим ва тажрибаларига асосланган ҳолда намоёни қилиш тавсия этилади.

Бундан ташқари, мазкур предмет ўз олдига ёш ва бўлғуси юрист-педагогларга юриспруденция соҳасида илмий-назарий тадқиқотларни ўтказишда ва алоҳида юридик фанлар бўйича машғулотларни олиб боришда амалий-методик ёрдам кўрсатишни мақсад қилиб қўяди. Бу эса яна бир қарра махсус юридик фанларни ўқитиш методларини қўллашдаги муаммолар ҳақида баҳс юритишга, керакли соҳа мутахассислари билан тажриба алмашишга ёки ўқитувчи ўзининг иш фаолиятида дуч келиши мумкин бўлган муаммолар

устида тўхталишга ҳамда уларнинг турли ечимлари вариантларини излаб топишга ундайди.

Мазкур предметни ўрганишда инсон ҳуқуқлари, унинг эркинлиги ва хавфсизлиги масалаларини ўқитишда қўлланиладиган методлар ва тавсиялар алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур фаннинг муҳим хусусияти инсон ҳуқуқлари устуворлиги масаласи ҳуқуқни ўқитишда ва ўрганишда доимо марказий ўрин эгаллаб келганлиги тўғрисидаги ғояни ўзида жамлаши билан белгиланади.

2. Юридик таълимда интерактив методларнинг мақсад ва вазифалари. Қадриятлар.

Ўзаро фаол (интерактив) методлардан фойдаланиш мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- 1) маълумот (ахборот)ни олиш ва баҳолаш;
- 2) ахборотни муҳокама қилишда иштирок этиш;
- 3) ўз муаммоларини ҳал этишда иштирок қилиш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш;
- 4) жамият ва ҳокимият ҳар қандай институтининг позицияси, қарори, ҳаракатини умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан баҳолашга ёрдам берувчи умумжаҳон андозалари (меъёрлари)дан фойдаланиш;
- 5) ўз фикрлари, ғояларини гуруҳнинг бошқа аъзолари, жамият ва давлат раҳбарлари, йўлбошчиларига етказиш;
- 6) гуруҳнинг бошқа аъзолари билан ишлаш ва ҳамкорлик қилишни ўрганиш.

Ўзаро фаол (интерактив) усулларнинг асосий вазифалари:

I. Билим :

- талабаларда давлат ва жамият институтлари қандай фаолият кўрсатишлари ҳақида тасаввур яратиш, шулар ҳақида тушунчалар бериш;
- жамият ва давлат сиёсатига таъсир кўрсатиш ва уни назорат қилиш усуллари тўғрисида тасаввурни шакллантириш, бу усуллар ҳақида тушунчалар бериш.

II. Уқув ва кўникмалар.

1.Интеллектуал кўникмалар - мантиқий ва танқидий фикрлаш кўникмаларини ўқувчиларда ривожлантириш;

1.1. Ижтимоий аҳамиятли масалалар бўйича талабаларнинг ўз позиция (қараш)ларини шакллантириш кўникмалари;

1.2. Вазиятни баҳолай олиш кўникмаси;

1.3. Баҳсли муаммолар юзасидан қарор қабул қила билиш ва бу қарорни ҳимоя қила билиш кўникмаси.

Коммуникатив кўникмалар - ўз позициясини тасаввур қилиш ва аниқ, қатъий шакллантириш, гуруҳда ўзаро муносабатга киришиш кўникмалари.

III. Қадриятлар - талабалар муайян қадриятларни ўзлаштириш-лари лозим, буларсиз улар тўлақонли масъулиятли ва компетентли мутахассис кадр сифатларига жавоб бера олмайдилар.

Айниқса, қуйидаги қадриятларга эътибор берилиши лозим:

- инсон кадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;

- конфликтларни тинч йўл билан ҳал қилиш;

- ҳамкорлик;

-сабр-қаноат, бағрикенглик;

-адолатлилик;

-ошкоралик;

-ҳалоллик;

-қонунга итоат қилиш;

-масъуллик;

-ватанпарварлик;

-қатъийлик;

-ҳокимият ва унинг вакилларини ҳурмат қилиш;

-ўзининг ва ўзгаларнинг меҳнатини қадрлаш ва ҳ.

Ўзаро фаол (интерактив) усуллар қўлланилганда тингловчи ҳам, ўқитувчи-тренер ҳам ҳамкорликда бир-бирларидан ўрганадилар. Ўқитувчи-тренернинг роли фақатгина таълим жараёнининг тажрибаси кўпроқ иштирокчиси (ташкилотчиси) бўлишлиги билан фарқланади. Таълим жараёнининг барча иштирокчилари бир-бирлари билан алоқада, мулоқотда

бўладилар, фикр алмашадилар, муаммоларни биргаликда ҳал қиладилар, турли вазиятларни ўйлаб топадилар, бошқа иштирокчи (ҳамкасабаси)нинг ва ўзларининг ҳатти-ҳаракатларини кузатиб баҳолайдилар. Иштирокчилар ўзларини муайян кўникмалар ҳосил қилиш ва муаммоларни ҳал қилиш учун ниҳоятда зарур бўлган ҳамкорликда ишлаш муҳитига тушгандай ҳис қиладилар.

Интерактив усуллар таснифига асос сифатида тингловчи (ўқувчи, талаба)нинг таълим жараёнидаги тутган роли олинади, бу рол суёт усуллардан фаол ва ўзаро фаол усулларга ўтган сари тобора ортиб боради. Касбий кўникмалар ҳосил қилишда ўзаро фаол усулларга кўпроқ эътибор берилади, чунки улар кўникмаларни намоёниш қилиш ва касбий фазилатларни кўрсатиш учун табиий бир муҳит яратади.

Ўзаро фаол(интерактив) усуллар нафақат инсон онгига таъсир этади, шу билан бирга унинг ҳис-туйғулари, эрк-иродасига ҳам ўз таъсирини кўрсатади, яъни таълим жараёнига инсонни “тўлиғича” жалб қилади. Бу эса ўқув материални ўзлаштириш даражасини оширишга имкон беради.

3. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси фанининг ҳуқуқшунослик ва бошқа ижтимоий фанлар билан алоқаси.

Бакалавр босқичида юридик фанларни ўрганишда талабалар ҳар қайси юридик фан бошқаси билан, шунингдек унинг ижтимоий-сиёсий фанлар, масалан, фалсафа, тарих, мантиқ, иқтисодиёт назарияси, педагогика, психология каби фанлар билан алоқадорлиги ва боғлиқлиги хусусида муайян тасаввурга эга бўлганлар. Бундай алоқадорлик магистратурада ўтиладиган фанларга, хусусан «Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси» фанига ҳам тааллуқлидир. Бунда магистрлар учун ушбу фаннинг хусусияти шунда намоён бўладики, уларни муайян юридик фан материални бошқа ижтимоий-сиёсий фандаги маълумотлар билан тўғри ва мантиқан изчилликда қўшиб борган ҳолда ўзлаштиришга ўргатиш лозим бўлади. Магистрларга мустақил таҳлилий фикрлаш, адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникмаларини сингдирилиши керак.

4. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси фанининг методлари.

Ўқитишнинг мавжуд ҳозирги тизимида юридик фанларни ўқитишнинг кўп турли методлари ва методикалари жорий этилган. Мазкур махсус курснинг вазифаларига магистрларда юридик фанларни ўқитишнинг барча энг аҳамиятли ва долзарб масалалари бўйича умумий тасаввурни шакллантириш киради. Шу билан бирга ушбу фан мавзуларини ўрганишда барча аниқ ва ижтимоий фанларда кенг қўлланиладиган илмий билишнинг умумфалсафий ва илмий методлари, хусусан, илмийлик, объективлик, тизимлилик, қиёсий-ҳуқуқий , моделлаштириш ва б.методлар қўлланилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарларининг Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини, хусусан юридик таълим тизимини ривожлантиришдаги аҳамияти.

Ҳозирги ўтиш даврида мамлакат ичкарисида ва халқаро майдонда юз бераётган мураккаб жарёнларни ўрганишда ва таҳлил этишда қарор топган анъанага кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари ва нутқларини ўрганиш шубҳасиз муҳим ҳисобланади.

Айниқса, кейинги вақтларда Президентнинг бошқарув тизимида ишловчи давлат хизматчилари ва юридик соҳа мутахассис-кадрларининг касбий маҳорати, масъулиятлилигини кўтариш, компетентлилигини такомиллаштириш масаласида аниқ фикрлар ва тавсиялар берилган асарларини ўрганиш магситралар учун ўта муҳимдир. Президентимизнинг «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори»(1997 й.), «Баркамол авлод орзуси» (1999 й.) каби асарларида ҳамда халқ депутатлари вилоят кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқларида кадрлар масаласи кенг ёритилиб, унда турли бўғин раҳбар ходимларга давр шароитидан келиб чиқилиб қўйилаётган талаблар, уларнинг ахлоқий қиёфаси, ўзи масъул бўлган соҳа учун фидойилиги ва жонқуярлиги, бошқаларга ибратли бўла олиш хусусиятлари алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси фани предметининг вазифаларидан бири ҳам ёш ўқитувчиларга ва магистрларга Президентнинг олий юридик таълим тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ фикрлари ва ғоялари ифодаланган асарларни ўрганиш зарурлигини тушунтириш ҳамда улардан ўқитиш ва илмий фаолият жараёнида ўринли қўллашга ўргатиш ҳисобланади.

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Раҳбарий адабиётлар:

1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.

1.2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.

1.3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.

1.4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 394 б.

1.5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.

1.6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.

1.7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. 7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 413 б.

- 1.8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.
- 1.9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 439 б.
- 1.10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
- 1.11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
- 1.12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
- 1.13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
- 1.14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
- 1.15. Каримов И.А. Жамиятни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.
- 1.16. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.
- 1.17. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 174 б.
- 1.18. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 280 б.

1.19. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма йиғилишидаги маъруза // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.

1.20. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир // Халқ сўзи. 2010 йил 8 декабрь.

II. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 40 б.

2. «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 9.

3. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси - 1997. – № 9-сон, 225-модда

III. Асосий адабиётлар:

1. Авдеев.Е.В. Психотехнология решения проблемных ситуаций М.199.

2. Борисов М.М. Юридическая педагогика. М., 2003.

3. Беспалько Б. Слагаемые педагогические технологии. – М., Педагогика, 1999.

4.Букина М. и др. Экономика и психология. На перекрёстке наук. –М., Дело и сервис, 1998.

5.Всемирная декларация о высшем образовании для XXI века: подходы и практические меры. – Париж, 1998.

6.Дайана Халперн. Психология критического мышления. Санкт-Петербург, 2000.

7.Исламов З.М. Общество. Государство. Право. Т. «Адолат», 2001.

Исламов З.М. Узбекистан: на пути к модернизации. Т.: ТГЮИ, 005. – 160 с.

8.Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари: ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги. Т.: ТДЮИ,2005, 187 б.

9.Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. М., 1999.

10.Селевко Г.К.Современные образовательные технологии. М.,1998.

11.Сибирская М.П. Профессиональное обучение: Педагогические технологии. Санкт-Петербург, 1996.

12.Фарberman Б.Л. Илғор педагогик технологиялар. Т., Фан, 2000.

13.Фарberman Б.Л., Мусина Л.Г., Джумабаева Ф.А. Современные методы преподавания в вузах. Т., 2001.

14.Курбонов Ш., Сейтҳалилов Э. Узлуксиз таълимда кадрлар тайёрлашнинг миллий модели. Т., Шарк, 2000.

15.Файбуллаев Н. Педагогика. Т., 1996.

IV. Даврий адабиётлар

1. Яшук Т.Ф. Очерки по истории юридического образования: Учебное пособие. Омск, 2004.

2. Зеер Э.Ф., Павлова А.М., Сыманюк Э.Э. Модернизация профессионального образования: компетентностный подход. М., 2005.

3. Левитан К.М. Юридическая педагогика: учебник – М.:Норма, 2008. – 432 с.

4. Алимов К.З., Рахимова М.А., Интерактивные методы преподавания юридических дисциплин – Т.,Академия, 2008. – 170 с.

V. WEB РЕСУРСЛАРИ:

1. <http://www.allpravo.ru>

2. <http://www.troek.net/zakaz.htm.ru>

3. <http://www.lawbook.ru>

4. <http://www.books.ru>

5. <http://www.bookz.ru>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

“1-ҲУҚУҚ” ФАКУЛЬТЕТИ

“Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси

ТАСДИҚЛАНГАН

**“Давлат ва ҳуқуқ назарияси”
кафедрасининг 2010 йил 28 августдаги
1-сонли мажлис баённомаси
кафедра мудири _____ доц.М.К.Нажимов**

“МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ”

ФАНИНИНГ “ЮРИДИК ТАЪЛИМДА МУТАХАССИСЛИК

ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА АЛОХИДА ИНТЕРАКТИВ

МЕТОДЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ” мавзуси юзасидан

тайёрланган маъруза матни

(Магистратура талабалари учун)

Тошкент -2010-2011 ў/ў.

4-мавзу. Юридик таълимда мутахассислик фанларини ўқитишда алоҳида интерактив методларнинг тутган ўрни

РЕЖА:

1. Муаммони шакллантириш ва уни уқувли ҳал этиш кўникмаларини шакллантириш.

2. «Метакарта», «Ечимлар дарахти», «Ақлий хужум» методларини қўллаш хусусиятлари.

3. «Ақлий хужум» жамоавий иш олиб боришнинг энг оммавий методи сифатида.

4. Назарий билимларни қўллаш амалиёти. «ПАМО» формуласи методи.

5. Саволларни бериш техникаси. «Сукрот мулоқоти» методи.

6. Муаммовий вазиятлар ечимини топишда ўз қарашлари ва позицияларини асослантириш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам килувчи методлар. «Ўз позициянгни эгалла», «Дебатлар» методлари.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг нутқларида ва асарларида давлат аппарати раҳбар кадрларининг масъулиятлилиги, компетентлилиги ва профессионаллигини ошириш тўғрисидаги ғояларнинг ифодаланиши.

1.Муаммони шакллантириш ва уни уқувли ҳал этиш

кўникмаларини шакллантириш.

Ижодий (муаммовий) топшириқлар анъанавий топшириқлардан фарқ қилиб, иштирокчилардан ахборотларни оддий етказиб беришни эмас, балки ўзида номаълумлик элементларини ифодалагани учун ижодийликни талаб қилади. Кўпинча «тўғри жавоб» ўқитувчига ҳам маълум бўлмаслиги мумкин. Бундай топшириқларга қуйидагилар мисол бўлиши мумкин: ҳужжатлар(хатлар, даъво аризаси, шикоят)ни тузиш, муайян муаммо бўйича сўзга чиқишга тайёргарлик, ўқув ўйинларида ролни бажариш, баҳсли масалани муҳокама қилиш ва б.

Муаммовий топшириқ ҳар қандай интерактив методиканинг мазмунини, асосини ташкил қилади. Унинг атрафида ўқитувчи, тақлиф этилган мутахассис ва бошқа барча таълим жараёни иштирокчиларининг қизиқарли мулоқот муҳити яратилади. Бундай топшириқ, айниқса, бўлғуси касбий фаолиятни моделлаштирувчи амалий топшириқ амалий ўқитишга мазмун касб этади, талабаларни йўналтиради.

Муаммовий топшириқлар билан ишни бошлашда аста-секин содда топшириқлардан мураккаб топшириқларга ўтиш лозим.

2. «Метакарта», «Ечимлар дарахти» методларини қўллаш хусусиятлари.

“Метакарта” методи.

Ушбу методда иштирокчилар бир-бирлари билан баҳслаша олмайдилар. Бунда вазифа қоғоз варағида бажарилади, кўп гаплашилмайди, фикрлар қисқа ва лўнда шакллантирилиши керак. Бу метод гуруҳни айна пайтда қизиқтираётган вазиятни таҳлил қилиш учун қўлланилади.

Дастлаб долзарб муаммо танланади.

Иштирокчилар кичик гуруҳларга бўлинади, гуруҳларда ушбу муаммо билан боғлиқ аниқлаштирувчи саволлар шакллантирилади.

Плакат (иш режаси) лойиҳаси:

Муаммо қандай.....?

1. Амалда қандай? (Реалликда қандай вазият мавжуд)	. Қандай бўлиши лозим?
3. Нима учун амалда шундай эмас? (.....лозим даражада эмас?)	4. Таклифлар (Муаммони ечиш йўллари)

“Метакарта” методига хос жиҳатлар

Ижобий томонлари	Салбий томонлари
1. Бир вақтнинг ўзида ҳам гуруҳда ҳам индивидуал тарзда иш олиб боришга имкон беради.	1. Амалга оширишда вақт кўп талаб этилади.
. Фикрлар алмашишга имкон беради.	. Ёрдамчи материаллар олдиндан тайёрланиши керак (рангли карточка, клей, ёпишқоқ ленталар, қоғоз ва ҳ).
3. Бошқалар фикрини тинглашга ва қарашларини ҳурмат қилишга ундайди.	3. Машқ бажараётган гуруҳлар ҳаддан ташқари кўп бўлмаслиги керак.
4. Ўз қарорини асослаш (аргументациялаш)га ўргатади.	
5. Гуруҳдаги барча иштирокчиларни ишлашга ундайди.	
6.Хавфсиз.	

Ечимлар дарахти методи (Дерево решений).

Ушбу метод юрист учун бир вақтнинг ўзида ҳам ўқув, ҳам иш қуроли бўлиб ҳисобланади. Юрист кўпинча ахборот (маълумот)лар етишмовчилиги ва ишончли бўлмаган ҳамда субъектлар ҳатти-ҳаракатининг кўп вариантли бўлиши шароитида муаммоли, набарқарор ва конфликтли вазиятларда ишлайди. Ишнинг барча босқичларида юрист ечим, ҳаракат, маслаҳат, қарорнинг энг тўғри (оптимал) вариантыни танлаш зарурияти олдида туради. “Ечимлар дарахти”ни шакллантириш ечимлар турли вариантларининг афзалликлари ва камчиликларини аниқлаш, баҳолаш ва “ўлчаб кўриш”нинг оддий амалий усулидир.

3 вариантдаги ечимлар дарахти қуйидаги жадвалида ифодаланиши мумкин:

Муаммо:					
Вариант 1:		Вариант :		Вариант 3:	
+	-	+	-	+	-

Барча мавжуд вариантларни таҳлил қилиш ва ўлчаб кўриш принципиал муҳим, бунини фақат шу кун позициясидангина эмас, шунингдек қисқа ва узок муддатли истиқбол нуқтаи назаридан амалга ошириш лозим.

Вариантларни таклиф этиш босқичида ҳам, ижобий ва салбий томонларни аниқлаш босқичида ҳам ақлий ҳужумни ўтказиш мумкин.

3. «Ақлий ҳужум» жамоавий иш олиб боришнинг энг оммавий методи сифатида.

”Ақлий ҳужум” - таълимнинг ва гуруҳ бўлиб ишлашнинг энг кенг тарқалган усулларида бири ҳисобланади ва икки босқичда амалга оширилади.

“Ақлий ҳужум” методи биринчи босқичининг мақсади бу берилган саволга жавобларнинг мумкин қадар кўп вариантларини таклиф этишдир. Мазкур босқичда таклифлар муҳокама ва танқид қилинмайди, баҳоланмайди. Шу боис “Ақлий ҳужум” методи муаммони ҳал қилиш жараёнининг **илк босқичида** ёки ушбу жараён берк кўчага кириб қолганда жуда қўл келади.

Муаммони савол шаклида туза билиш жуда муҳим, чунки иштирокчилар ўз таклифларини ушбу саволга жавоб тарзида тузадилар. Масалан, “Ушбу иш юзасидан қандай далиллар тўплаш мумкин?”, “Мижозимиз томонидан ҳаё шартномасининг тузилиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?”.

“Ақлий ҳужум” методини ўтказишда бошловчининг роли жуда катта. Унинг ўзи ҳам таклифларни ишлаб чиқишда иштирок этиши мумкин (агар бошқа иштирокчилар бирданига тўхтаб қолсалар, у албатта, ўз таклифлари билан машғулоти давом эттириши шарт).

Энг асосийси - у барча таклифларини плакатда ёки доскада ёзиб олиши керак. Таклифларни бошловчининг ўзи ёки унинг ёрдамчиси ёзиб борса ҳам бўлади. Бошловчи аниқ ва қисқа ёзиш учун қатнашчилардан таклифларни қайтаришни ёки аниқлаштиришни илтимос қилиши мумкин, лекин таклиф мазмуни ҳеч қачон ўзгартирилмаслиги, ўз фикрини ўтказмаслиги лозим. Шунингдек, у иштирокчиларни таклифларни тузишга мажбур қила олмайди.

“Ақлий ҳужум” методининг иккинчи босқичи - энг яхши, истиқболли таклифларни танлаш, муҳокама қилиш, таснифлашдир. Баъзида муаммони ҳал қилиш жараёнига жалб қилинган иштирокчилар икки гуруҳга бўлинадилар:

1) таклиф-ғояларни ишлаб чиқувчилар (ғоя генераторлари) – “Ақлий ҳужум” методининг биринчи босқичини ўтказадилар.

2) таҳлилчи(аналитик)лар – “Ақлий ҳужум” методининг иккинчи босқичини ўтказадилар.

Иккинчи босқичда таклиф қилинган ғоялар муҳокама қилинади. У кичик гуруҳларда дискуссиянинг турли шакллари ва муаммони муҳокама қилишнинг турли йўллари қўллаган ҳолда ўтказилиши мумкин.

“Ақлий ҳужум” методини ўтказиш бўйича методик тавсиялар

“Ақлий ҳужум”даги ўн қадам.

“Ақлий ҳужум” методи одатда муаммони ҳал қилишнинг мумкин қадар кўпроқ ечимини таклиф қилишга асосланади. Иштирокчиларнинг ҳар бири муаммони ҳал қилишнинг ўз ечимини кўра олади. Шу сабабли муаммога турли томонлардан ҳужум қилиш керак. Ақлий ҳужумнинг ўзи муаммони ҳал қилишнинг биринчи босқичи ҳисобланади, унда таклифлар муҳокама қилинмайди, баҳслашилмайди, акс ҳолда “ақлий ҳужум” ўрнига “ақлий бўрон” бошланиб кетади. Бунинг олдини олиш учун қуйидаги ўнта қадам кетма-кетлигига эътибор бериш ва “Ақлий ҳужум”ни олиб бориш қоидаларига риоя қилиш керак:

1. “Ақлий ҳужум” мавзуси аввалдан савол шаклида белгиланади. Масалан :

а) “Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш учун нималар қилиш керак?”

б) “Ҳуқуқшуноснинг касбий фазилатлари қайсилар?”

в) “Мижозларни жамоатчилик қабулхонасига қандай жалб қилса бўлади?”.

2. Қўғоз-плакат, фломастерлар ёки доска ва бўрни тайёрлаш, саволни кўринарли қилиб ёзиб қўйиш керак.

3. Муаммонинг муҳокамага қўйилишини қисқача таҳлил қилиш керак: нима учун ушбу муаммо юзага келди, иштирокчиларни бу масала қизиқтирадими, уни ҳал қилишнинг ўзи етарлими?

4. Ақлий ҳужумни ўтказувчи кишини танлаш.

5. Таклифларни ёзиб боровчи ёрдамчини танлаш.

6. Ақлий ҳужумнинг биринчи босқичи қоидаларини эслатиш:

- 1) “Ақлий ҳужум”дан мақсад мумкин қадар кўпроқ таклифларни йиғиш;
- 2) ҳамма эркин тарзда ўз таклифларини бера олади;
- 3) ҳамма таклифлар қабул қилинади, жумладан кулгили ва афсо-навийлари ҳам;
- 4) таклифларни танқид қилиш ёки изоҳлаш мумкин эмас;
- 5) аввал айтилган фикрлар ривожлантирилиши мумкин;
- 6) иштирокчилар кетма-кетликда қисқа ва аниқ фикрлар берадилар;
- 7) бошловчи таклифларни қисқароқ ёзиб олиши учун уларни аниқлаштирилиши мумкин;
- 8) ҳар қандай таклиф иштирокчилар томонидан қабул қилинади ва муҳокама қилинади.

9. Бошловчи саволни қайтаради ва таклифлар киритишни сўрайди, қоидаларга риоя қилинишини кузатиб боради.

10. Котиб ҳамма таклифларни ёзиб боради, барча иштирокчилар ёзувларни кўриб туради.

11. Бошловчи вақтни кузатиб туради (“Ақлий ҳужум”нинг биринчи босқичи 10-15 дақиқадан ошмаслиги керак).

12. ”Ақлий ҳужум”нинг иккинчи босқичида таклиф қилинган фикрлар муҳокама қилинади, ўхшаш фикрлар умумлаштирилади, фикрлар таснифланади, устуворлигига кўра кетма-кет қўйилади (устуворликни овоз бериш йўли билан аниқлаш мумкин). Энг аниқ ва келажаги бор таклифларни муҳокама қилиш, тавсия этиш ва амалда қўллаш учун танлаб олинади.

4. Назарий билимларни қўллаш амалиёти. «ПАМО» формуласи методи.

“ПАМО” формуласи (“ПОПС – формула”) методи.

Касбий амалиётни эндиgina бошлаган юристларга дискуссияларда, омма олдида чиқишларида ушбу метод ўз позициясини аргументлашга ёрдам беради. Ундан ўз фикрини аниқ, лўнда ва қисқа қилиб шакллантириш ва ифодалашга ўрганиш учун фойдаланилади.

Қисқа тарзда сўзга чиқиш “ПОПС формула” методига мувофиқ 4 та элементдан иборат, яъни:

П - позиция (сизнинг нуктаи назарингиз нимадан иборат):

« менинг фикримча, бу.....»

А - асослантириш (сизнинг асосларингизни қўллаб-қувватловчи сабаб, нимага асосланаяпсиз, позициянгиз нимага асосланади) – «негаки....», «чунки.....».

М - мисол (сиз келтирган сабабларни асословчи фактлар) - «масалан,».

О - оқибат (хулоса, нима қилиш керак, ўз позициянгиз:

«.... шу сабабли....»

П - позиция – «я считаю, что» (ваше точка зрения);

О - обоснование – «потому, что» (довод в поддержании позиции).

П – пример – «.... например (факты)».

С – следствие – «.....поэтому (что надо делать?)».

-4 та гапдан иборат бундай сўзга чиқишда ўз позициянгизни аниқ ифода этасиз ва такрорлайсиз (хулосада), фақатгина бир аргументни келтирасиз, бироқ у аниқ шакллантирилади ва ифода этилади. Бунда куруқ сўзлашдан ёки оппонент билан зиддиятга кириш хавфидан сақланасиз. “ПОПС” формуладан фойдаланиш билан чиқиш -3 минут вақт олади, ундан мунозара учун вақт чекланган вазияда фойдаланиш қулайдир.

5. Саволларни бериш техникаси. «Сукрот мулоқоти» методи.

Амалий кўникмаларга ўргатиш дастурини амалга ошириш тажрибаси кўрсатадики, бошловчи ҳуқуқшунослар учун энг мураккаб иш бу савол бера олишдир. Бунда қийинчиликлар 3 йўналишда юз беради:

а) саволнинг мазмунига оид - (Нимани сўраш керак? Нима ҳақида сўраш керак?);

б) саволни тузиш, шакллантиришга оид – (Қандай сўраш керак? Саволни қай йўсинда бериш керак? Саволни қандай тузиш керак?).

в) савол берилиши мақсадига оид – (Нима учун сўраш керак? Савол беришдан кўзланган мақсад нима?).

Ўқув аудиториясида саволлар бериш кўпинча иш олиб боришнинг асосий воситаларидан биридир. Ўқитувчи ва талабалар доим бир-бирларига саволлар берадилар. Машғулотларга индивидуал ёки жамоа бўлиб тайёрланганда нафақат ўтилган материални такрорлаш, балки саволларни тўғри шакллантиришга тайёр бўлиш қайси фан бўлишидан қатъий назар материал юқори даражада ўзлаштирилганлигидан далолат беради.

Ривожланган давлатларда ҳуқуқшунослар тайёрлайдиган юридик олий ўқув юртларида ва малака ошириш дастурларида “Сукрот мулоқоти” (Сукрот диалоги, Сукрот усули, Сукрот семинари) усули айниқса кенг қўлланилади. Албатта, бу усул Сукротнинг ўзи олиб борган диалоглардан фарқ қилади. Сукрот ўз суҳбатдошига мажбуран ижобий жавоб бериш зарур бўлган ёпиқ саволлар бериб, уни қарама-қаршиликка олиб келиб қўяр эди. Машғулотларда эса, кимnidир бирорта мантиқий тузоққа илинтириш мақсади бўлмайди. “Сукрот мулоқоти”нинг мазмуни шундан иборатки, қатор саволлар занжирини ишлаб чиқиш асосида жавоб берувчи бирон-бир хулосага келиб қолади. Мулоқот қоидаларига кўра бир киши фақат саволлар беради, бошқаси эса, уларга жавоб беради (суддаги терговга ўхшаш вазият).

“Сукрот диалоги” мақсадига мувофиқ турли хил саволлар одатда бирор-бир муаммо бўйича суҳбатдошнинг позициясини аниқлаштиришга йўналтирилган бўлади:

а) Кириш саволлари:

Сизнингча, стратегияни белгилашда мижознинг розилиги керакми?
Нима учун шундай деб ўйлайсиз?

б) Тўғридан-тўғри аниқлаштирувчи саволлар:

Нимани назарда тутдингиз? Ўз фикрингизни қандай қилиб бошқача тарзда ифодалай оласиз?

в) Аргументларни очиб берувчи саволлар.

Бу хулосага келишингизга сизга нима асос бўлди?

Ўз фикрингизни тўғрилигини исботлаш учун қандай аргументлар келтира оласиз?

г) Қиёслаш (аналогия) йўли билан саволлар бериш: ундай бўлса, ҳуқуқшунос аҳволи мижознинг илтимосига кўра, ҳеч бир иккиланишсиз рецепт ёзиб бераётган врач аҳволига ўхшаб қолмайдими?

д)Бошқа фикрга келишга ёрдам берувчи саволлар: Мижозларнинг ўзлари бу тўғрида нима деркинлар?

е)Ёлғон хулосалар ёки ҳақиқатдан узок фикрлардан фойдаланган ҳолда саволлар бериш;

Бу, ҳуқуқшунос, режалаштирилаётган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликдан қочишни таъминлаши керак, дегани эмасми?

“Сукрот диалоги” нафақат саводли саволлар беришни, балки мулоқотнинг боришини режалаштиришни, уни назорат қилишни, мумкин бўлган жавобларни кўзда тутган ҳолда кейинги саволлар занжирини тайёрлашни ҳам ўргатади. Шу тартибда “саволлар дарахти” пайдо бўлади.

6. Муаммовий вазиятлар ечимини топишда ўз қарашлари ва позицияларини асослантириш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам қилувчи методлар. «Ўз позициянгни эгалла», «Дебатлар» методлари.

Дебатлар таълимнинг ўзаро фаол (интерактив) усулларида бири сифатида.

Дебатлар - фаолиятнинг интерактив усулларида бири бўлиб, унга фикрлар қарама-қаршилиги, позициялар тўқнашуви ҳосил, бунда билдирилган нуқтаи назар (аргумент)лардан бирига устунлик берилади.

Қадимги Юнонистонда, Афинада ўтказилган илк дебатларда фуқаролар қонунларнинг камчилик ва афзалликлари ҳақида муҳокама-мунозара юритганлар. Ўрта асрларда Европада дебатлар таълим тизимининг бир қисмига айланди ва нотиклик санъатига асос бўлиб хизмат қилган. Эндиликда дебатлар демократик давлатларда кенг тарқалди. Тарихда муҳим дебатлардан бири АҚШ президентлигига номзодлар Никсон билан Кеннеди ўртасида 1960 йилда бўлиб ўтган телевизион дебатдир.

Намунавий дебатлар хусусиятлари:

1. Ҳаққонийлик (тўғри сўзлик). Дебат иштирокчилари позиция (фикр)ларини мустаҳкамловчи асос (аргумент, далил)ларни излаш ва қўллашда тўғри сўз бўлишлари лозим.

Ҳурмат қилиш. Билдирилаётган фикр (аргумент)лар дебат иштирокчилари шахсиятига эмас, балки фақат ғояларга дахлдор бўлиши керак.

3. Мунозарага киришиб, сабоқ олинади. Дебатлар жараёни унинг натижасига қараганда катта аҳамият касб этади.

Қарама-қарши фикр (нуқтаи назар)ларни ҳимоя қилиш қобилияти мунофиқлик эмас. Агар ўзингизнинг ҳақлигингизга тўла ишонсангиз, баҳсга ўрин қолмайди, деган фикр мавжуд.

Дебатлар қуйидагиларга имкон беради:

1. Жиддий фикр (аргумент, далил)ларга қарши туришни уддалай билиш.

2. Барча аргументларни охиригача эшитмасдан туриб фикр билдирмасликдан иборат яхши интеллектуал одатни ривожлантиради, бу кишини шошма-шошарлик билан хулосалар чиқаришдан сақлайди.

Дебатларнинг таркибий қисмлари

1. Мавзу	Тема
2. Тасдиқловчи (тарафдор) томон	Утверждающая сторона
3. Инкор этувчи (қарши) томон	Отрицающая
4. Далил (аргумент)лар	Аргументы
5. Қўллаб-қувватлаш ва исботлар (далил)	Поддержка и доказательства
6. Рад этиш	Опровержение
7. Судьялар қарори	Решение судей

Дебатлар стиллари (турлари)

1. “Қадрият” тўғрисидаги дебатлар.

Дебат иштирокчилари эътиборни мавзуда учрайдиган қадриятлар қарама-қаршилигига қаратадилар (масалан, жиноий суд тизимида жазолаш реабилитациядан муҳимроқдир). Дебатлар фалсафий, бадий характер касб этади.

2. Сиёсий дебатлар.

Дебат иштирокчилари муайян позициянинг амалий қўлланилишини қараб чиқадиладар (масалан, ҳукумат ҳамма алколог ва тамаки маҳсулотлари рекламасини тақиқлаши лозим). Тарафдор томон мавзу мақсадига эришиш учун ўзига хос ва жуда самарали режани таклиф қилади. Қарши томон эса: а) бундай ўзгаришлар керак эмас; б) таклиф этилган режа ёмон; в) буни мана бундай қилиш керак деб, ўз режаларини таклиф қиладиладар. Дебатлар аниқ характердаги амалий ва статистик маълумотларга асосланади.

3. Парламент дебатлари.

Ушбу дебат турига Британия парламенти ўтказадиган дебатлар асос қилиб олинган. Бир тараф - ҳукумат, иккинчи тараф - муҳолифат. Палата

раиси спикери дебатларни бошқаради. Дебат иштирокчилари ҳам фалсафий, ҳам аниқ аргументлардан фойдаланадилар.

Методик тавсиялар

1. Тайёргарлик ишлари.

Дебатлар учун мавзу танланади. Ўқитувчи ўқувчиларга мавзунини тушуниб олишда кўмаклашади.

2. Мутахассисларни жалб қилиш.

Мутахассис ўқув машғулотида иштирок этиш мумкин: дебатларни тайёрлаш ва муҳокама қилишда ёрдамлашиши, судьялардан бири сифатида иштирок этиши мумкин.

3. Ролларни тақсимлаш.

Аудитория 3 гуруҳга бўлинади: икки гуруҳ дебатларда қатнашувчи томонлар бўладилар: бир гуруҳ - тарафдор томон, бошқаси - қарши томон. Иштирокчилар сони тенг бўлиши керак. Учинчи гуруҳ - судьялардан иборат: раис ва унинг ёрдамчилари (ўқитувчи, мутахассис, ўқувчилар).

4. Иштирокчиларни тайёрлаш.

Раис иштирокчиларни регламент ва дебат ўтказиш қоидалари билан таништиради. Гуруҳлар дебатларга тайёргарлик кўрадилар: дебат мавзусини муҳокама қиладилар ва ўз позицияларини қўллаб-қувватловчи аргументлар (далиллар)ни аниқ белгилайдилар.

Аргументларни тузиш схемаси:

Аргумент – Доказательство- Поддержка

Аргумент – Исбот – қўллаб-қувватлаш ёки

Свидетельство – Рассуждение – Вывод

Ҳодиса – Фикрлаш – Хулоса қилиш

Воқелик – Мулоҳаза – Хулоса

Мисол. Ҳодиса: Барглар сарғайди ва тўкиляпти. Қушлар жанубга учиб кетмоқдалар.

Мулоҳаза: Бу хусусиятлар куз фаслига хос.

Хулоса: Куз келипти.

Командалар ўз чиқишларини мунозара (диспут) пайтида баён қиладилар. Чиқишни бошлаб берувчи команданинг биринчи иштирокчилари бутун команданинг позицияси ҳақида гапирадилар. Команданинг кейинги иштирокчилар команда позициясини қўллаб-қувватловчи аргументларни келтирадилар. Ҳар бир иштирокчи бир аргументни баён қилади. Сўнг команда иштирокчилари қарши томон аргументларини инкор қилишга тайёрланадилар. Ҳар бир иштирокчи бир эътирозни билдиради.

5. Хонани тайёрлаш.

6. Дебатларни ўтказиш.

Раис дебатларни бошлайди: мавзунини эълон қилади, муаммони шакллантиради ва регламентни белгилайди. Биринчи бўлиб сўзга чиққан киши 3 минутдан ортиқ бўлмаган вақт ичида ўз фикрини билдиради. Қолган барча сўзга чиқувчилар минутгача сўзлашишлари мумкин.

Ўз позициясини қўллаб-қувватловчи аргументларни баён қилганидан сўнг команда рақиб томон аргументларини инкор қила бошлайди. Ҳар қайси команда муайян миқдордаги эътирозларни эълон қилиш ҳуқуқига эга. Дебат ниҳоясида судьялар дебатда ғолиб чиққан команда номини эълон қиладилар.

7. Дебатларни ниҳоясига етказиш.

Дебатлар натижасини чиқариш.

Судьялар дебатлар натижаларини изоҳлайдилар, иштирокчи командаларнинг кучли ва заиф томонларини кўрсатадилар. Иштирокчилар ўзлари (ҳар бир киши ва гуруҳлар)нинг дебатлардаги иштирокчиларни баҳолайдилар: нимага эришдилар ва нимага эриша олмадилар ва нима учун, дебатларни яхшироқ ўтказиш мумкинмиди, дебатлар самарали ўтказилдими ёки йўқми?

Дебатлар ўтказиш учун мавзулар:

1. Жазолашнинг ҳозирги замон усуллари мукамал эмас.
2. Оғир жиноятларни содир этган кичик ёшдаги жиноятчилар жазоланишлари керак.
3. Эркаклар ва аёллар бир хил ишларни бажаришлари керак.
4. Тамаки ва алкоголь рекламаси қонун билан ман этилиши керак.

“Ўз ўрнингни эгалла” методи.

Иштирокчилар муҳокама қилинаётган масала бўйича ўз позицияларини бошидан аниқлаб олмаганликлари сабабли кўпгина баҳслар ноқонструктив характер касб этиши мумкин.

“Ўз ўрнингни эгалла” методи шаклланган фикрларни аниқлаб олишга, у ёки бу позициянинг тарафдорлари ва рақибларини, масаланинг аргументли муҳокамасини кўрсатишга ёрдам беради.

Муҳокамани баҳсли саволни ўртага ташлаш билан бошлаш мумкин. Масала бир-бирига зид, бир-бирини инкор қилувчи жавобларни тақозо этиши керак. Масалан, “Сиз адвокатларнинг касбий этикаси тўғрисида Кодекснинг қабул қилинишини тарафдоримисиз ёки унга қаршимисиз?” деган савол ўртага ташланганда барча иштирокчилар саволни ўйлаб кўриб, ўз ўринларини танлашлари, яъни аудиториянинг турли бурчакларида жойлаштирилган 4 та ёзувдан бирининг ёнига бориб туришлари керак:

Умуман қаршиман

Қатъий тарафдориман

Кўпроқ қаршиман

Кўпроқ тарафдорман

Баъзида баҳсли саволни шакллантириш ўрнига баҳсли фикрни таклиф қилиш мумкин. Масалан, “Адвокатларнинг касбий этикаси тўғрисида Кодекс қабул қилиш керак” деган мазмундаги фикрга иштирокчилар ўз муносабатларини билдириб, шунга мос турли ўринларни эгаллашлари сўралади, яъни:

Албатта

Ҳечамда

Шундай қилса ҳам бўлади

Бундай қилмаса ҳам бўлади

Ўз позицияларини эгаллаб, иштирокчилар баҳсли масала юзасидан фикр алмашадилар. Масалан, “Мен шундай Кодекс қабул қилиниши тарафдориман, лекин у тавсия характерига эга бўлиши керак”, ўз позицияларини қўллаб-қувватловчи аргументларни келтирадилар. Масалан, “Мен бундай Кодекснинг қабул қилинишига қаршиман, чунки у адвокатларга тазйиқ кўрсатувчи давлат қўлидаги хавфли воситага айланиши мумкин”.

Турли позициялар тарафдорлари навбатма-навбат сўзга чиқадилар, бунда истаган иштирокчи ишонларли аргументлар таъсирида ўз позициясини эркин тарзда ўзгартиришлари мумкин.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг нутқларида ва асарларида давлат аппарати раҳбар кадрларининг масъулиятлилиги, компетентлилиги ва профессионаллигини ошириш тўғрисидаги ғояларнинг ифодаланиши.

Давлатимиз бошлиғи ўз асарларида жамиятда ижтимоий, сиёсий тусдаги муаммоларнинг кўпи ченик идораларида ишловчи раҳбарларнинг замон талабларига жавоб бермайдиган масъулият-сизлиги, лоқайдлиги, савиясизлиги, ченик малакасизлиги билан боғлиқ ҳолда вужудга келишини назарда тутган ҳолда ченик ченик барча бўғинлари раҳбарларининг жавобгарлиги, компетентлилиги, профессионаллигини мунтазам равишда оширишга жиддий эътибор қаратмоқда.

Айни пайтда мамлакатда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг чуқурлашуви суд-ҳуқуқ тизимида ишловчи ходимларнинг ченик тайёргарлиги, умумий сиёсий-ҳуқуқий етуклиги, амалдаги қонунчиликни атрофлича мантикий таҳлил эта олиш малакавийлиги, ўз ченик фаолиятига фидойилиги масалаларида қатъий ва жиддий сифат талабларини қўймоқда. Бу йўналишда олий ўқув юртида ишнинг қандай ченик этилиши чени, чунки у бўлғуси-юристнинг шахс, ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқий ҳимояланганлиги, инсон ҳуқуқларининг кафолатлари билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор билан ёндошиш кўникмаларини шакллантиради.

Юқоридаги долзарб масалалар мамлакат Президенти И.А.Каримовнинг 005 йил 18 февралда ҳукуматнинг янги таркиби билан ўтказилган мажлисда сўзлаган «Эскича қарашлар ва ёндошувлар билан янгича ҳаётни қуриб бўлмайди» номли маърузасида кенг таҳлил этилган.

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Раҳбарий адабиётлар

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 40 б.

1.2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.

1.3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.

1.4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.

1.5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 394 б.

1.6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.

1.7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.

1.8. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т. 7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 413 б.

1.9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.

1.10. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 439 б.

1.11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.

1.12. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.

1.13. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.

1.14. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.

1.15. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. –280 б.

1.16. Каримов И.А. Жамиятни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007.–320 б.

1.17. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. –368 б.

1.18. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. –174 б.

1.19. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. -280 б.

1.20. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма йиғилишидаги маъруза // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.

1.21. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир // Халқ сўзи. 2010 йил 8 декабрь.

1.22. «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси.–1997.–№ 9.

II. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 40 б.

2. «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 9.

3. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси – 1997. – № 9-сон, 225-модда

III. Асосий адабиётлар:

1. Воинова М.Г. Педагогические технологии и педагогическое мастерство (в преподавании юридических дисциплин). Учебник. Т., ТГЮИ. - 2005.

2. Эргешова Д.Қ. Мутахассислик (юридик)фанларни ўқитиш методикаси: Ўқув қўлланма. – ТДЮИ, 2006. – 62б.

3. Эргешова Д.Қ., Кудрявцев И.В. Методика преподавания специальных(юридических)дисциплин: Учебное пособие. – Т., ТГЮИ. - 2006. - 61 с.

IV. Даврий адабиётлар

1. Яшук Т.Ф. Очерки по истории юридического образования: Учебное пособие. Омск, 2004.

2. Зеер Э.Ф., Павлова А.М., Сыманюк Э.Э. Модернизация профессионального образования: компетентностный чени. М., 2005.

3. ченик К.М. Юридическая ченик іка: ченик – М.:Норма, 2008. – 432 с.

V. Қўшимча адабиётлар:

1. Авдеев.Е.В. Психотехнология решения проблемных ситуаций М.199.

2. Борисов М.М. Юридическая педагогика. М., 2003.

3. Беспалько Б. Слагаемые педагогические технологии. – М., Педагогика, 1999.

- 4.Букина М. и др. Экономика и психология. На перекрёстке наук. –М., Дело и сервис, 1998.
- 5.Всемирная декларация о высшем образовании для XXI века: подходы и практические меры. – Париж, 1998.
- 6.Дайана Халперн. Психология критического мышления. Санкт-Петербург, 2000.
- 7.Исламов З.М. Общество. Государство. Право. Т. «Адолат», 2001.
- Исламов З.М. Узбекистан: на пути к модернизации. Т.: ТГЮИ, 005. – 160 с.
- 8.Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари: ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги. Т.: ТДЮИ, 2005, 187 б.
- 9.Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. М., 1999.
- 10.Селевко Г.К.Современные образовательные технологии. М., 1998.
- 11.Сибирская М.П. Профессиональное обучение: Педагогические технологии. Санкт-Петербург, 1996.
- 12.Фарберман Б.Л. Илғор педагогик технологиялар. Т., Фан, 2000.
- 13.Фарберман Б.Л., Мусина Л.Г., Джумабаева Ф.А. Современные методы преподавания в вузах. Т., 2001.
- 14.Курбонов Ш., Сейтхалилов Э. Узлуксиз таълимда кадрлар тайёрлашнинг миллий модели. Т., Шарк, 2000.
- 15.Файбуллаев Н. Педагогика. Т., 1996.

VI. WEB RESURSLARI

1. <http://www.allpravo.ru>
2. <http://www.troek.net/zakaz.htm.ru>
3. <http://www.lawbook.ru>
4. <http://www.books.ru>
5. <http://www.bookz.ru>